

# ЭФК-3 цехида ўқув машғулотлари ўтказилди

// 28.09.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/efk-3-cehida-uquv-mashguloti-utkazildi>



Тасдиқланган режа асосида корхонанинг ЭФК-3 цехида авария вазиятларини чеклаш ва бартараф этиш бўйича ўқув машғулотлари ўтказилди.



Машғулот давомида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича амалий ҳаракатлар синовдан ўтказилди. Иштирокчилар белгиланган сценарий ва вақт меъёрлари асосида ўз вазифаларини бажардилар.



Машғулоти якунида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, ўқув машғулоти қониқарли деб баҳоланди.



“Аммофос-Максам” АЖ Матбуот хизмати